



Кеча дадамдан сўраб кўйганим учун бугун акам хам «керак эмас, борма» деган жекиришини килмади. Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим.

Дадам билан ойим:

— Оёгинг олти, кўлинг етти бўлиб колдиёв! — деб кулишиб колдилар.

Кашлогични олдим-да, кора кашкамни ялангочлаб уёк-буёгини кашлаб чикдим. Жонивор типир-типир килади, бош чайкайди, ер тепинади, дум силкитади... Шунинг билан менинг кўнглимга: «Худо хохласа келаси йилга бир улоқлар чопайки, хамма мени: «Тургун чавандоз», деб атасин деган орзулар тушади.

Улуг хайитдаги хайитликка олдирган мўгул эгарча билан галатича килиб тойчамни эгарладим. Тоғамга ялиниб-ялпогланиб олдирган ўрус юганни артиб-суртиб солдим-да, ўзим четрокдан туриб кам-кўстини кузатдим:

— Куюшкони хам ўрнида, эгар хам яхши кўнган, коринбоги хам жипс, юган хам тўраларникидек! Лекин умулдиригининг йўклиги бироз кўнглимни гаш килди. Анчагина ўйлаб турганимдан кейин, акамнинг юган учун асраб кўйган кайиши эсимга тушиб, секингина ертўладан халиги кайишни олиб чикиб, умулдирик ясадим.

Энди тойчам жуда хам гижинглаб, худди тўраларникидек бўлиб кетди. Уёк-буёгини супургандан кейин устунга кантариб кўйдим. Энди колди: ок жужунча камзулимни, ўрисча шимни, амиркон этикни, бахмал тўппини кийиш... Ана шундан кейин отга минсак чин тўрача бўламыз-да!

Ойимнинг бир кизик одати бор: хар қачон янгирок кийим киймокчи бўлсам, кўзини ола-кула килиб: «Какшагир, кир киласан, тўй-пўйга борганда киярсан!» — деб каргай бошлайди. Озгина «шайтон йигиси» килмагунингча иш ўнганмайди. Бу гал хам ўшандог йигидан килиб олганимдан кейин, кийимларимни кийиб, шохи кийикчамни белимга боглаб олдим. Ойимга билдирмасдан секингина уйга кириб, дадамнинг кумуш чопкон камчисини ичимга тикиб, ташкарига чикдим.

Хизматчи гўшт келтириб турган экан. Отхонадаги кора кашкани кўчага чиқариб туришга буюриб, гўштни ойимга киргизиб бердим-да, ташкарига караб чопдим.

Ойим оркамдан:

— Кийимларингни кир килма, тойингни каттик чоптирма, улоқчилар орасига кириб, бирор ходисага йўликма, ўртоқларинг билан бир четда туриб томоша кил! — деб жавраб колди.

Хизматчидан отни олиб миндим. Тўнимнинг этакларини йигиштириб, кашкачамнинг човига бир-икки камчи берган эдим, жонивор шаталок отиб кетди. Хизматчининг: «Ха, баракалла! Чавандоз!» деган товушини эшитиб, каттикрок камчилаб эдим, жонивор кашкачам кўтариб кетаёзди.

Чукур арикдан тойимни сугориб чикаётганимда бир иўда улоқчи-чавандозлар учраб колдилар. Уларнинг баъзилари акамнинг ўртоқлари эдилар, мен билан сўрашдилар. Улардан бири акамнинг каердалигини сўраган эди, мен эрталаб улоқка кетганлигини айтдим.

— Бизнинг Махкамбой улоқка жуда хам ишқибоз-да! — деди халиги йигит.

— Йўл бўлсин, бойвачча? — деб сўради мендан яна бери. Мен уялинкирадим:

— Улоқка! — дедим.

— Баракалла, чавандоз! Баракалла, Тургун чавандоз! — дейишди улар. Айникса мени «чавандоз» деб аташлари жуда хам кайфимни келтириб, ичимдан: «Отангга раҳмат», — деб кўйдим.

Биз бир дуркум отлик борамиз. Жонивор тойчам бошка отлардан қолишмайди ва гоҳо уларнинг отларидан ўтиб хам кетади. Тойчам ўта қолса: Отингиз жуда хам йўрга экан-да, бойвачча», — деб менга пичинг отишадилар.

Ха қим хар нарсадан бахс қилади, орада менга хам сўз қотиб қўядилар. Мен уяламан. Сўз уриниб яна Махкам акам устида тўхтади:

Шу чоккача қўп улоқчи кўрдим, лекин Махкамдек улоқка серзавқини кўрмадим! — деди биттаси.

— Махкам бойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўйиб келган-да! — деди Собир тегирмончининг ўғли.

— Ахир, ўн икки яшар уқасини кўрмайсизми, шу ёшидан улоқ чопмоқчи!

Бу сўздан менинг аъзойи баданим жимирлашиб кетди ва оз қолдики қулиб юборсам.

— Дадам Махкамнинг бобосининг улоқ чопшини гапираверса қиши хайрон қолади, — деди яна бир мўйлови шопдек йигит, — юз, икки юз чавандоз ичидан ёппа-ёлғиз улоқни ажратиб чиқар экан-да!

— У вақтнинг одамини улоқнинг пири десанг-чи! — деди Собир тегирмончининг ўғли.

— Отинг яхши ва билагингда қуч сероб бўлса, сен хам улоқнинг пири бўласан! — деди яна бири.

Мен бобомнинг мактовини эшитиб, кекқайиб бормоқдаман... Шу пайтда орқамиздан от шаталоғи эшитилиб, қайрилиб қараган эдик, олдига бир ола эчкини ўнгарган, кўкраги очик, яқтакчан, саман отлик бир йигитни кўрдик. У бизга етиб тўхтади ва хамма билан от устида туриб сўрашди.

— Бу хафта ёрдамлашасиз-да, қарвон! — деди қулимсираб Тўгон ака.

— Ха, бўлмасам-чи, сиздек оғайниларга қўмақлашмасам бўладими! — деди халиги йигит ва тўзумсизланди: — Қани, илдамроқ юринглар!

Йигит билан биргалашиб кетдик. Бироз борғач, бизнинг отимизнинг оёғи билан чавандоз йигитнинг сабри тугади шекилли, отига бирдан шартиллатиб қамчи берди ва қушдек учиб кетди. Биз, факат унинг: «Мен тезроқ борай», — деган сўзини эшитиб қолдик.

Энди сўз халиги чавандознинг оти тўғрисида бошланди.

— Валаднинг оти жуда хам чопқир-да, — деди Тўгон ака, — улоқчи бўйганингга яраша шундақанги отинг бўлса!

— Худди бодираффафдек учади! — деди мўйлови шопдек йигит.

Шу вақт нима учундир хамма бирдан шараклаб қулиб юборди. Қулги сабабига

тушунмасам-да, мен ҳам уларга кўшилиб кулишдим.

— Бодирафрахми, бодисарсар? — деб сўради ундан аллаким.

Биз, акамга «Дўмбуровот» гузарида учрадик. Акамлар самоварчига палов дамлаб кўйиш учун ўзаро пул йигиб беришгандан кейин, биз яна йўлга тушдик.

Даланинг кўчаси кишдан бошка вақтда сув кўрмагани учун икки газ келадиган билк-билк гуппон тупрок, йигирма-ўттиз улоқчи бирданига йўл босиб, кайси отини чоптириб, кайси Йўкилладиб боради.

Кўчани тўзон коплаган, киши кишини танимаслик холга келган. Мен бўлсам уйга кайтиб борганимда: «Кийимларингни пес килибсан!» — деб ойимнинг каргишидан кўркиб бораман.

Талайгина йўл босгандан кейин улоқ чопиладиган жойга етдик. Оўзи, тўрт тарафи кўз илгамайтиргон даражада катта ва сайхон бир ер экан. Бу жойга жуда кўп халк йигилган, бундаги улоқчи отликлар билан томошачи яёвларнинг хад-хисоби йўк.

Катта садакайрагочнинг тагида иккита бордондек самоварга ўтин калаб кайнатадилар.

Ундан нарироқда бир-икки киши уч-тўрт коп бодрингни бир-бирисига тираб кўйиб:

«Мирза кирон бодиринг! Касир-кусир бодиринг!» деб макташадилар.

Акамлар саданинг остига — самоварчининг палосига отдан кўндилар. Кун кизигида туриш кийин бўлгани учун, мен ҳам тойчам билан садакайрагочнинг бир багрига бориб турдим. Теварақдаги кишилар бир менга ва бир тойчамга карайдилар. Мен уялиб тойчамнинг ёлини тарайман. Теварагимдаги кишилар орасида вагир-вугур гап,

тўзумсизланиб улоқнинг бошланишини кутадилар. Бириси: «Бугун улоқ кизимайди», — деса, иккинчиси: «Бекор айтибсан, бугун улоқ жуда ҳам кизийди, чунки Салим билан Мурод чавандозлар келар эмиш», — дейди. Яна бири: «Ха, ха! Агар Салим келса, улоқ жуда ҳам кизир экан!» — деса, аллаким: «Салимнинг оти козоки от, камчи кўтармайди,

хайт деса бас!» — дейди. Тагин биров: «Улар уч киши эди, икки йилдан бери бири кўринмай колди, ана ўшанисига чавандоз боласи бас келолмас эди!» — деса, яна аллаким: «ўлма, ўлма! Мен ҳам шуни кўпдан бери кўрмайман, гирдигумдан келган, ердан бичиб олгандек йигит-а?» «БаИли, балли! Отангга рахмат, худди ўша йигит, канча сўрогласам хеч кимдан дарагини билолмадим!»

Шу йигитнинг устида анчагина жанжал бўлиб олди, бири: «ўлиб кетган», — деса, иккинчиси: «Тирик!» — деб кичкиради. Уларга яна бириси карши туриб: «От босган, докторхонада ўлган!» — дейди, сўфироқ бир одам: «Бировга ёмон нафас килманглар!» — деган эди, аллакайси киши: «ўлса ўлгандир, бунга нима жанжал!» — деб кўйди, тагин биров: «Бекор ҳам ўлтирибмиз-да!» — деб кулди. Яна: «Сираси-сираси!» Тагин шовкин-сурон, яна: «Ха, ха!» Тагин: «Йўк, йўк»...

Бир кишининг: «Ана улоқ келди!» деб юбориши билан ҳамма тип-тинч бўлиб, улоқка караб колди. Яна бир оздан кейин: «Улоги ёш экан! Яхши чавандозга учурвок ҳам бўлмайди!» «Шуниси тузук, шуниси!» — деган жанжал бошлаган ҳам эди, майдонга икки чавандознинг от йўнатиб кириши ҳаммининг товушини ўчириб кўйди ва секин-секин:

«Салим чавандоз!» «Мурод чавандоз!» деган шивирлашишлар эшитилиб колди.

— Кораси Салимми, чўтири?

— Салимнинг билаги кучликка ўхшайди! Чавандозламинг бириси кўк човкар ва иккинчиси ола

отга минган бахайбат чапани йигитлар эдилар. Булар келгандан кейин халк чидамсизланиб колди:

— Ана энди чин улоқ кўрасан! — дейишадилар.

— Букун киёмат улоги бўлар экан! — деб бошларини чайкатиб кўядилар.

— Муроднинг отини кўр, худди каноти борга ўхшайди.

— Кўк човкарни айтасанми, тўрукними?

— Хар иккаласига от етмайди, иккови ҳам яхши зот!

— Кулоги чимирилган от чопкир бўиади!

— Кулоқда гап йўк, гап зотда!

— Йўк, йўк! Серкишновда, ўзим синаб кўрдим!

— Кора от чопкир бўлади, деганлар, кораси яхши, кораси!

— Дадам рахматлик от олганда туёгига диккат килар эди, гап туёқда.

Бахшлашадилар, хар ким ўз ёнидаги билан талашади. Мен ҳам шу тўгрида ўйлаб, уларнинг айтган нишонларини кора кашкамдан кидириб топсам суюниб, топмасам куюниб тураман.

Махалламиздаги ўртоқларимдан Нурхон, Хайдар соков, Шокир мишикилар ҳам отларини лўкиллантиб келиб колдилар. Биз тўртовимиз отларимизни катор кўйиб, уёк-буёқдан гаплашиб турдик. Нурхон дадасидан ола йўргани сўраганда килган бахонасини айтиб кулади. Хайдар соков саман отининг йўлда Шокир мишикининг байталига караб кишнаганини айтиб, Шокирни масхара килади. Кулишамиз. Шокир бўлса бурнини торта-торта: «Уялиб кетдим, бундан сўгун бия минмайман», — деб кизариб-бўзарди. Отимнинг умулдиригига уларнинг хаваслари келиб, бахосини сўрашдилар, мен: «ўн беш танга», — деб, кумуш камчини ҳам кўрсинлар учун ўйнагансимон эгарнинг қошига «так-так» уриб кўяман. Улар: «Кани, кани, кумушми?» — деб камчинни кўлимдан олиб кўрадилар. Мен секингина бошимни кимирлатиб, ўзимда алланима сезинаман. Уларнинг отларига, ўзимникига, кийимларига, кийимимга караб, ўзимни улардан аллаканча юкорида кўраман. Хайдар соков тутила-тутила... «Келинлар, бир чоптирайлик», — деди. Нурхон кўнмаса ҳам тортиб олиб кетишди. Уламинг оркасидан Шокир ҳам байталини югуртирди. Чидаб туриб бўлмас экан, улар оркасидан тойчамга бир камчи бериб юборган эдим, жонивор икки ямлаб бир ютуб, ўн одимда уларни йўлда колдириб кетди. Анчагина узоклашганимдан сўнг оркамдагиларга караган эдим, хаммининг кўзида мен эканман. Яна каттикрок хайдадим. Кирнинг бир чеккасига бориб отимни тўхтатдим, талай вақтдан кейин улар отларини лўкиллантишиб ёнимга етдилар. Бу ерда отларимизнинг чопкирлиги тўгрисида сўзлашдик. Нурхон, отининг чопмаслигига акасининг иссик холда сув берганини сабаб килиб кўрсатди. Хайдар соков бўлса Эсон кўкнорининг ўглини сўка-сўка:

— Бозорга ун учун бораётганимда бехос том бошидан гувала ташлаб юборди. Шундан бери камчи билан юз минг урсанг ҳам жонивор кулогини чимириб, хуркиб тура беради! — деди.

Менинг кашкачам тўгрисида, Хайдар айтади: «Сенинг, — дейди, — отинга хеч от боласи етмайди!» — дейди. Нурхон айтади: «Отдан сенинг бахтинг бор экан, лекин, — дейди, — ем-хашакни ўзинг бер, хизматкорга ишонсанг отингни бузиб кўяди, ўртоқ, мен

сенга бир айтиб кўйдим», — дейди.

Шу ерда узоккина сўзлашиб тургандан кейин яна отни кейинга караб кўйдик. Тагин улардан ўзиб кетдим. Халкка якинлашгандан кейин «мени хам таниб кўйсинлар» деб кашкачамни уст-устига камчилашим борми, шамол-да, шамол... энди халк бир ўзимга ва бир кора кашкамга тикила бошлади. Мен бўлсам, «мени энди танийсизлар!» деб тойимнинг ёлини камчи сопи билан тараб тура бердим.

Томошачилар орасида яна ола-говур кўпти: «Ана, улокнинг солигини йигаётибдилар!», «Улок хозир бошланади!», «Мурод чавандоз хам турди!», «Салим калпогини кийди!», «Рўзи кассоб» улокни бўғизламокчи, пичогини кайраяпти!», «Бойваччалар хам кўзгалишдилар!», «Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!», «Хай баркалла, шоввозлар!» Ўртоқларим билан мен хам улокнинг тезроқ бошланишини кутмоқдамиз.

Чавандозларнинг кайсиси тўнини ечмоқда, баъзиси отининг айилини тортмоқда ва кайси бировлар улокнинг солигини бермоқда эдилар. Акам хам шохи салласи билан бекасам тўнини менга бериб, ўзи ўртага от ўйнатиб кетди.

Улокчилар бирин-сирин ўртага гуж бўла бошлаган бўлсалар хам, хануз улок ўртага кирмаган эди. Хамма томошачилар сабрсизланиб: «Шу тобгача туя бўғизласа хам бўлар эди, улоги яхлаб колдимми?» — дейишадилар.

Орадан талай вақт ўтгандан кейин, бўғизланган улогини олдига ўнгариб Ориф саркор ва унинг оркасидан бояги машхур чавандозлар калпокни чаккага кия кўйиб, эгарга кийшик ўлтириб ўртага кирдилар. Томошачилар улокни кўрганлари он: «Хох, жонивор, бормисан! дейишдилар.

Орадан аллаким: «Улокнинг кони яхши ювилдимми?» — деб сўраган эди, Ориф саркор: — Хотиржам! — деди ва улокни шалк этиб ерга ташлади, сўнгра халкка якинроқ келиб: «Огайнилар! Бола-чакаларни четга чиқаринглар, от оёгида колгудек бўлмасин, ўзларинг хам эҳтиётроқ жойда турунглари, хайвон билан бўлган иш кийин!» — деб айтди.

Ориф саркор халкдан фотиҳа олиб, отини югуртириб тўдага кетди. Томошачилар тўдадаги ўз якинларига: «Букун гайратларингни кўрамыз-да!» — деб бакиришдилар. Улок бошланди...

Бириси олади, иккинчиси тортади. Иккинчисининг ёнига учинчиси ва тўртинчиси кўшилиб, бирдан саккиз томонга торткилашадилар, орага четдаги улокчилар хам сикилишиб кириб, яна улокни буйдалашадилар. Жуда кизик... хар ким улокни ўз тақимига босиш харакатида, лекин улокнинг думидан, оёгидан, ёлидан тортувчилар жуда хам кўп. Тўдадан олиб чиқиш жуда кийин. Баъзан улокни тўдадан олиб чикувчи хам кўриниб қолади, бироқ унинг кетидан улокчилар чугур-чукдек ёпирилишиб ўн-ўн беш кадамда тутиб оладилар. Яна тортиш бошланади.

Бу ёқдаги томошачилар: «Тақимга бос, тақимга!», «Отнинг бошини кўй, човига камчини шигаб бер!», «Бўш келма, маҳкам тут!», «Юганини бўшат, камчингни тишлаб ол, ёнингга алахсима!», «олдинг, олдинг!», «Берма, чапга бурул, чапга!», «Тут, кўйма!», «Вой тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен хам улокчисан-да!», «Отинг харом

котсин, отми, эшакми — бу харом ўлгуриг?»... деб хар хил товушда бакиришадилар. Улок ерга тушиб кетиб колса, томошабинлардан баъзиси югуриб бориб ердан улокни азод кўтариб олади, укаси, ошнасими — ишкилиб бирорта якин кишисига туткизмочки бўлади. Лекин бошка чавандозлар улокни ундан олмочки бўлиб устига дув йигиладилар, у бермасликка тиришади, бошкалар ўртага санжоб килиб сикадилар. Бечора анчадан кейин оксокланиб ёки кўлини силаб ўртадан аранг чикиб кетади.

Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, хар ким улокни тақимига босиш кайгусида. Бош ёрилиб, кўз чиккан билан, отдан йикилиб кўли синган билан парвойи-фалак... Ишкилиб, улокни тақимга босилса бўлди... Тақимга босиш ўзи жуда хам нашъалик-да!

Лекин тақимга босиш хар кимга хам муяссар бўлавермайди, тақимга кўпрок босувчилар бояги чавандозлар; азобланиб, ўлаёзиб бўлса хам улокни тақимга босгач, отга камчи бериб эллик-олтмиш одим нарига кочиб борадилар-да, яна орқадагилар тарафидан ўралиб олинадилар. Яна тортиш.

Улок бошланганидан бирор соат вақт ўтган эди. Бирдан улокчилар сув куйгандек тинчиб, тортиш ўрнида тўпланишиб колдилар. Биз, отлик-яёв томошабинлар хам хаммамиз ўртага югуришдик. Мен кейинрок борганим учун отлик-яёв халк ўртани сириб олган эди. Мен чеккада колдим. Хар канча уринсам хам ўртага киришинг эпи бўлмаганидан кейин одамларнинг огзига караб турдим. Лекин улокчилар орасидаги ходиса хаммага хам номаълум эди. Хар кимнинг юзида таажжуб ва бир-бирисидан: «Нима гап?» — деб сўрашар эди.

Бир неча дакикадан кейин: «Кимирлатманг, кимирлатманг!» — деган товуш эшитилиб, халк яна таажжубга тушди.

— Нарӣ бўлинглар, ховв! — деб ўртадан биров бакирди. Халк бир четлик бўлиб, йўл очди.

— Нима гап, нима гап?

— Хеч нарса эмас... Эсонбойни от босипти!

— Кўркинчли эмасми?

— Йўк, сагал.

Кишилар бир-бирига караб: «Фалокат-фалокат», — дейишдилар. Нарӣ тур-бери тур килиб, беш-олти киши отга босирик бўлганни ўртадан олиб чикдилар. Кишиларнинг кўмаги остида келтириб, саданинг остига ётқиздилар.

Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси ўзига келармикан, деб ўлгудек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сепиб кўрган эди, кимир этмади.

— Беш-олти отнинг тагида колди-да, бечора!

— ўнта отнинг тагида колса хам хеч гап эмас-ку, бироқ калтисрок жойидан босганга ўхшайди...

— Умри боки бўлса хеч гап эмас.

«Бечора бултурги хайитда менга ярим сўм хайитлик берган эди. Илохи яхши бўлсин», деб кўнглимдан ўтказдим.

Арава келди. Эсонбой акани аравага ётқиздилар. Акам уч-тўртта ўртоклари билан арава ёнида Эсонбойни кузатиб шаҳарга жўнаб кетди.

— Шўр пахта килсин, кепак киздириб боссин, — деб халк чувурлашиб колди.

Улар жўнагандан кейин улок яна бошланиб кетди. Мен улок тугагунча томоша килиб турдим. Лекин яхшики энди хеч кимни от босмади.

* * *

Кеча мени от коккан экан, ўрнимга киришим билан тирракдек котиб ухлабман. Эрталаб ойим: «Тур, тур тезрок, даданг келса нах ўлдиради!» — деб устимдан кўрпамни тортиб тишлади. Мен уйкули кўзим билан: «Дадам бозор кетмадими?» — деб сўраган эдим, ойим:

— Эсонбойнинг жанозасида! — деб жавоб берди.

Менинг уйкум ўчди.